



## ҚАСДДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Турғунов Абдурауф Маъруфжон ўғли**

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси Кадрлар гуруҳи муҳим топшириқлар бўйича инспектори, майор  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8437503>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> Oktober 2023

Accepted: 12<sup>th</sup> Oktober 2023

Online: 13<sup>th</sup> Oktober 2023

### KEY WORDS

Жиноят, бадан, шикаст етказиш, тан жароҳати, оғир тан жароҳати, тергов қилиш, такомиллаштириш.

### ABSTRACT

Мазкур мақола мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш шиори остида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, амалдаги қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти, хорижий давлатлар ижобий тажрибаси таҳлили асосида суд-тергов амалиётида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилиш давомида махсус билим ва криминалистик услублардан самарали фойдаланиш, суд-тиббий ва суд-психиатрия экспертизаларни тайинлаш ва эксперт хулосаларини тўғри баҳолаш, шунингдек қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаш, мазкур соҳадаги жиноятларни тергов қилиш давомида хорижий тажрибалардан фойдаланиш ва процессуал ҳаракатларда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ислоҳотлардан кўзланган мақсад биринчи навбатда, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликда инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон<sup>1</sup>, 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сон<sup>2</sup>, 2020 йил 10 августдаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони// URL: <https://lex.uz/docs/3050491> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сон Фармони// URL: <https://lex.uz/docs/3432426> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).



“Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6041-сон<sup>3</sup> ва 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон<sup>4</sup> Фармонларининг қабул қилиниши ҳам мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди десак муболаға қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 май куни “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори<sup>5</sup>да эса жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад давлатимизда фуқароларимиз ва юртимизга бошқа мамлакатлардан турли мақсадларда ташриф буюрган шахслар учун уларнинг ҳаёти, соғлиғи, мулкӣ дахлсизлиги ва бошқа ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимояланганлиги кафолатини яратиб беришимиздир.

Мана шулардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари инсон учун энг қадрли саналган унинг соғлиғига зарар келтирувчи қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг олдини олиш, бу турдаги жиноятларни “иссиқ изи”дан фош этиш ҳамда айбдор шахсларга жазо муқаррарлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ҳамда ушбу фаолиятни мунтазам равишда такомиллаштириб боришлари лозим.

Ўзбекистонда 2021 йилда жами 2020 йилга нисбатан қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари сони 22,6 фоизга ошганлиги, айниқса ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан ёхуд безорилик оқибатида содир этилган турлари бўйича кўрсаткичлар ўсиб бораётганлиги<sup>6</sup>, шунингдек, уларнинг фош этиш кўрсаткичлари йилдан-йилга пасайиб кетаётганлиги, бу турдаги жиноятларнинг аксарият қисми оила-турмуш доирасида содир этилиб, уларнинг расмий рўйхатга олинмай қолаётганлиги<sup>7</sup>, суд-тергов амалиётида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилиш давомида хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишни қанчалик даражада

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6041-сон Фармони URL: <https://lex.uz/docs/4939467> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 май куни «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли қарори URL: <https://lex.uz/docs/3735818> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти 19.03.2022 йил маълумотномаси.

<sup>7</sup> <https://upl.uz/obshestvo/20302-news.html> // (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 2023 йил 09 октябрь).



такимлаштиришга мухтож эканлигини кўрсатиб қўймоқда. Ҳозирги кунда қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятлари юзасидан олиб бориладиган суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилишини, жиноятнинг сабаблари аниқлаб, уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш масалалари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу борада айниқса, суриштирувчи ёки терговчи томонидан терговни пухта режалаштириш, тусмолларни тўғри тузиш ва улар бўйича вазифаларни аниқ белгилаб олиш, ўтказиладиган экспертизаларни талаб даражасида ўтказилишини йўлга қўйиш, терговга қадар текширув органлари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг сифатини ошириш, жиноятнинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда криминалистик тавсифи, методикаси ва тергов ҳаракатларни ўтказиш тактикаси ушбу жиноятларни очиш ва самарали тергов қилиш учун жуда аҳамиятли саналсада, афсуски, суд-тергов амалиёти таҳлили, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда ушбу турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи, методикаси ва тергов ҳаракатларни ўтказиш тактикаси ҳозирги кунда оптимал тарзда қўлланилмаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатларда содир этилган ушбу жиноятларининг очилиши ва тергов жараёни ортиқча қийинчилик туғдиради. Тергов қилиш методи тавсия этадиган тактик ва методик воситаларни қўллаш, ҳодиса жойидаги қуроллар, излар, жабрланувчи шахси ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида тергов тусмолларини ишлаб чиқиш ва терговни тўғри ташкил этиш, ишнинг терговини белгиланган муддатларда якунига етказиш мумкин бўлади.

Айрим ҳолларда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари яширин (ноошкора), гувоҳларсиз, кечанинг қоронғилиги, бегона одамларнинг йўқлигидан фойдаланиб содир этилади<sup>8</sup>. Бу усулда ушбу жиноятга олдиндан тайёргарлик кўрилади, ҳодиса жойидаги изларни йўқотишга, қуролни ўзи билан олиб кетишга ҳам ҳаракат қилинади. Бундай жиноятлар, тергов қилиш, исботлаш нуқтаи назаридан мураккаб бўлиб, муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда криминалистик тавсифи, методикаси ва тергов ҳаракатларни ўтказиш тактикасини самарали қўллаш учун терговчидан касбий маҳоратни, терговга қадар текширув органлари маълумотларидан тўғри фойдаланиш, кечиктириб бўлмайдиган тезкор ва тергов ҳаракатларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишни талаб қилади.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари содир этилганда, уни амалга ошириш усули, мотивлари, қўлланилган қуроллар, жиноятни содир этган шахс ҳақидаги дастлабки маълумотларни олиш мумкин. Жабрланувчининг шахси маълум бўлган ҳолларда жиноятчи ҳақида, улар орасидаги муносабат, жиноят ҳодисасини содир этиш усуллари ҳақида тегишли тусмоллар тузиш мумкин. Жиноят содир этилган жойда қасддан баданга шикаст етказишнинг асосий ҳолатлари ҳақида маълумотлар

<sup>8</sup> Бурданова В. С. Расследование умышленного причинения вреда здоровью: учеб. пособие / В. С. Бурданова, Л. Н. Никитин; С.-Петербург. юрид. ин-т Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – 3-е изд., испр. и доп. – <https://search.rsl.ru/ru/record/01000652125> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).



олиш ва дастлабки тезкор-тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали шубҳали шахсни топиш ва қўлга олиш имкони кенгроқ бўлади. Жиноят очиқ жойларда, ташландиқ, одамлар кам юрадиган жойларда содир этилганда жабрланувчини оғир аҳволга қўйилгани қўшимча тўсқинлик бўлади. Бундай ҳолларда тезкор ходимларнинг маълумотлари катта ёрдам беради.

Шаҳар шароитида қасддан баданга шикаст етказиш кўпгина ҳолатларда жиноят изларини йўқотишга қаратилган бўлади. Ушбу жиноятларининг криминалистик тавсифи унинг содир этилиш усулида кўпроқ акс этади<sup>9</sup>. Ушбу турдаги жиноятларини тергов қилишда криминалистик тавсифи, методикаси ва тергов ҳаракатларни ўтказиш тактикасига уни содир қилиш усули ўз ичига фойдаланилган қурол, восита, ҳаракат, жиноятга аввалдан тайёргарлик кўриш ва жиноят изларини йўқотишга уриниш каби ҳолатларни қамраб олади.

Маиший турмуш доирасидаги оилавий жанжаллар, рашқ, безорилик, спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик моддалари таъсири остида содир этиладиган қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари деярли олдиндан тайёргарлик кўрилмасдан содир қилинади<sup>10</sup>. Тан жароҳати қўлига дуч келган қурол ёки бошқа восита билан жароҳат етказиб, мақсадига етади.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда криминалистик тавсифи, методика ва тергов ҳаракатларни ўтказиш тактикасини қўллашда жабрланувчининг лавозими, хизмат вазифасига қарши қаратилган бўлса, жиноятчи олдиндан тайёргарлик кўради, жойини, вақтини ва қуролни белгилайди, бундай ҳолларда асосан ўқотар қурол, портловчи моддалар тайёрлаб қўйилади. Жиноятни содир этгандан сўнг қуролни, отилган ўқ ва гильзаларни ҳам олиб кетишга, оёқ ва қўл изларини қолдирмасликка ҳаракат қилади. Бундай ҳолатлар жиноятчи ҳақида маълумот олиш ва уни кимлар орасидан қидириш мумкинлиги ҳақида йўналиш беради<sup>11</sup>.

Маълумки, тан жароҳати етказиш жиноятлари, одатда, оғзаки, телефон, интернет ва бошқа ижтимоий соҳалар орқали ёки ёзма аризалар асосида қўзғатилади. Хабарлар тиббиёт муассасалари, айрим ҳолларда жиноят содир қилган шахснинг ўзи томонидан берилади. Тан жароҳати етказилганлиги ҳақида тиббиёт муассасаларига хабар берилган аксарият ҳолатларда жабрланувчини ўзигина маълум бўлади. Тан жароҳати етказган шахс, ҳодисага бевосита шохид бўлган гувоҳлар, ҳодиса жойи, тан жароҳати етказилган ҳолат ва шароит ҳамда вақти номаълум бўлади. Бундан ҳолатларда энг аввало, зудлик билан жабрланувчидан маълумот олиш лозим бўлади. Кейинги босқичда, содир этилган жиноятни ҳақиқий ҳолатларига ойдинлик киритиш учун жабрланувчининг ўзи ҳақидаги маълумотларни йиғиш жуда муҳим саналади.

<sup>9</sup> Ершов В. А. Методика расследования преступлений против жизни и здоровья граждан, совершаемых членами неформальных групп (движений) / В. А. Ершов, Г. В. Костылева, М. М. Милованова.

<https://www.dissercat.com/content/metodika-rassledovaniya-prestuplenii-protiv-zhizni-i-zdorovya-grazhdan-sovershaemykh-chlenam> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.10.2023 й)

<sup>10</sup> Сахарова Е. Г. Расследование причинения вреда здоровью / <http://lawlibrary.ru/izdanie62440.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.10.2023).

<sup>11</sup> Беспечный О. В. К вопросу о следственных ситуациях по делам о причинении тяжкого вреда

здоровью <https://www.dissercat.com/content/teoreticheskie-i-prakticheskie-problemy-rassledovaniya-prestuplenii-svyazannykh-s-prichineni> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.10.2023).



Жабрланувчи ҳақида маълумот олиш орқали, гарчи жиноят-процессуал қонунчилигида тергов қилинган жиноят доирасида жиноят қурбонини тавсифловчи маълумотларни зарурлиги назарда тутилмаган бўлса-да, жиноят ишида исботланиши керак бўлган айрим ҳолатларни аниқлаш мумкин, хусусан, жиноятнинг мақсади, шунингдек, жиноят содир этилишига ёрдам берган ҳолатлар. Кўп ҳолларда, бу тоифадаги жабрланувчилар 20 дан 45 ёшгача бўлган эркаклар бўлиб, улар оилавий ёки бошқа муносабатларга эга. Шу билан бирга, жабрланувчилар кўпинча қонунбузарликлари билан жиноятчини жиноятга ундайдилар ва камдан-кам ҳолларда зарар етказиш жараёнида самарали қаршилиқ кўрсатадилар<sup>12</sup>.

Жиноятчи маълум бўлганида, терговнинг энг асосий вазифаси қасдни исботлашга қаратилади<sup>13</sup>. Бу ўз навбатида қилмишни тўғри квалификация қилиш учун муҳимдир. Ушбу вазифани бажаришда ўхшаш тусмолларни илгари суриш ва текшириш муҳим ўрин тутди. Тан жароҳати етказиш мавжудлигини аниқланган деб ҳисоблаш мумкин бўлгани боис, тан жароҳатларини келиб чиқиши ва тан жароҳати етказишдан мақсадни тушунтиришга қаратилган тусмоллар биринчи ўринга чиқади. Демак, тан жароҳатларини келиб чиқиши ва тан жароҳати етказишдан мақсадни тушунтиришга қаратилган тусмоллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: соғлиққа қарши жиноятлар бўйича тан жароҳати етказиш – жабрланувчига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлар натижаси; тан жароҳати етказиш – бахтсиз ҳодиса оқибати; тан жароҳати етказиш жабрланувчининг ўзи қилган эҳтиётсиз ҳаракатлар оқибати.

Одатда тахминларни текшириш кейинги иккитасидан бошланади, чунки буни жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатилган тиббий муассаса хулосасини (ташхисини) ўрганиш орқали бажариш осонроқ. Албатта, бундай текширув дастлабки хусусиятга эга, охириги хулосаларни фақат суд-тиббий экспертиза натижалари асосида чиқариш мумкин. Лекин бахтсиз ҳодиса ёки ўз баданига шикаст етказиш эҳтимоллигини истисно этиш учун баъзан тиббий ташхис ҳам етарли бўлади<sup>14</sup>.

Терговнинг мазкур босқичида терговчи, суриштирувчи қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этилиши зарур: шахси, жиноятнинг мақсади ва қасднинг мотиви, жиний ҳаракат жабрланувчининг шахсигами ёки унинг жамиятдаги мавқеи-лавозимига қарши қаратилганми, жиноят бир шахс ёки гуруҳ шахслар томонидан содир қилинганми, яширинган бўлса уни тезкор қидирув чораларини қўллаб яширинган жойини аниқлаш ва қўлга олиш, жиноят қуролини топиш, ғаразли

<sup>12</sup> Терещенко Т. Г. Умышленное причинение тяжкого телесного повреждения: уголовно-правовая и криминологическая оценка: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Минск, 2013. – 20 с.

<sup>13</sup> Турсунбоев Ю. Фактик хато унинг жиний жавобгарлик ва жиноятнинг квалификациясига таъсири // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Ҳуқуқий, илмий-амалий журнал. – 2007. – № 1. – Б. 15-18.

<sup>14</sup> Федотов И. С. Заключение и показания специалиста: вопросы совершенствования законодательства и правоприменительной практики. <https://cyberleninka.ru/article/n/zaklyuchenie-i-pokazaniya-spetsialista-voprosy-sovershenstvovaniya-zakonodatelstva-i-pravoprimenitelnoy-praktiki> 2013г. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.10.2023 й)



мақсадда содир қилинган ишлари бўйича ўғирланган, олиб кетилган қимматли буюмларни топиш каби чоралари кўрилади<sup>15</sup>.

Тадқиқотимиз давомида амалга оширилган суд-тергов амалиётининг ва кўплаб жиноят ишларининг таҳлили ҳозирги вақтда суриштирувчи ва терговчилар томонидан қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда тергов қилинаётган жиноятнинг криминалистик тавсифи ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларни англаб етишмаётганлиги, айти шу турдаги жиноятларни тергов қилишда қўлланилиши лозим бўлган ўзига хос методик ва тактик жиҳатларни билишмаслиги ойдинлашди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жорий йилнинг 12 ойи давомида тергов ҳаракатлари олиб борилган жиноят ишлари бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 416 ва 417-моддалари асосида чиқарилган 313 та ажримларнинг 20 таси ёки 6,4 фоиз қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятларни ташкил қилиши ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлаб турибди. Мазкур омиллар ҳозирда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда кўплаб муаммолар мавжудлигини, ушбу муаммоларни тизимли таҳлил қилиш орқали ечимларини таклиф этиш ва такомиллаштириш нақадар муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот давомида мантиқийликка асосланган ҳолда қиёсий-ҳуқуқий ва тизимли таҳлил, статистик ҳамда, социологик сўровлар ўтказиш, терговга қадар текширув ва жиноят иши материаллари ҳамда суд ҳукмларини таҳлилий ўрганиш асосида, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда юзага келаётган ва шу билан боғлиқ қонун нормаларидаги баъзи бир муаммолар аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

*Биринчидан*, суд-тергов амалиётининг таҳлили жамоат жойларида қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятларига тўғри ҳуқуқий баҳо беришда айрим тушунмовчиликларни юзага келтириб, қонун нормаларини турли хил қўлланилишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Амалдаги Жиноят кодексининг 105- ва 277-моддаларининг тегишли қисмларини қиёсий ўрганилиши натижасида, мазкур нормалар ўртасида номутаносиблик мавжудлиги маълум бўлди. Дарҳақиқат, безорилик содир этиш йўли билан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича ЖК 105-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган баданга шикаст етказишдан оғирроқдир. Мазкур омилни инобатга олиб, Жиноят кодексининг 277-моддасидан “баданга ўртача оғир шикаст етказиб” бандини чиқариб, 105-моддаси иккинчи қисмини “безорилик оқибатида” деган мазмундаги янги “н” банди билан тўлдиришни таклиф қиламиз.

*Иккинчидан*, Жиноят кодексининг 104-моддаси кўрсатилган баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши деганда, жарроҳлик аралашувисиз бартараф этиб бўлмайдиган инсон қиёфасига ёқимсиз, сескантирадиган кўриниш берувчи

<sup>15</sup> Наимов С.С. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида нормалар рақобати: назарий ва амалий муаммолар // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция матуриаллари. – Т.: ТДЮИ. 2006. – Б. 342-347.



жароҳат (жумладан, механик таъсир, олов, агрессив моддалар ва ҳ.к.лар таъсирида юз симметриясининг, мимиканинг бузилиши, чуқур чандиқлар, кертиклар пайдо бўлиши, баданнинг яра босиши, бурун, лаб, қулоқнинг ажратилиши ва бошқа нуқсонлар) тушунилиши лозим.

Жароҳатларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласи тергов органлари ва суднинг ваколатига тегишли бўлиб, у жамиятда мавжуд эстетик тасаввурлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Бунда мазкур жароҳатларни кийим, соч турмаги ва бошқа йўсинда яшириш имконияти борлиги уларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласини ҳал этишга таъсир этмаслиги лозим.<sup>16</sup>

Эътиборли томони шундаки, ЖК 104-моддаси биринчи қисмининг ўзбек тилидаги таҳририда “баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса” деб кўрсатилган. Лекин экспертиза тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур жумла бошқача ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари билан тасдиқланган ҳужжатларда<sup>17</sup> жиноят қонунчилигида “баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса” дея ифодаланган жумласи “тананинг силлиқланмайдиган бадбурушлиги” мазмунида акс этган.

“Бадбуруш” терминининг луғавий маъноси - “юзи, башараси бурушган”<sup>18</sup>ни англатади. “Тана” термини эса - “гавда, бадан, тан, поя”<sup>19</sup> деган маъноларни англатади. Ўз навбатида бадан (тан, тана)термининг луғавий маъноси - тананинг, гавданинг сирти, сиртқи қисми<sup>20</sup> деган маънони англатади.

Шунинг учун ҳам тана, бадан терминлари қўлланилган сўзларда “бадбуруш” терминидан фойдаланиш ноўрин бўлиб ҳисобланади. Фикримизча, бу каби ҳолатларда “тананинг силлиқланмайдиган хунуклашиши” деган жумладан фойдаланиш ҳар жиҳатдан асослидир.

Шунингдек, юқорида келтирилган таҳлиллар, барчамизда мазкур ҳолатда қонун чиқарувчи нафақат инсоннинг юз қисми, балки унинг бадани (танаси)ни ҳам назарда тутиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини қўллаш доирасини асосиз равишда кенгайтириб юбормаганмикан деган саволларни юзага келишига сабаб бўлади. Чунки, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, хусусан Россия Федерацияси Жиноят кодекси 111-моддасининг биринчи қисмида, биз тадқиқ этаётган жумла “неизгладимом обезображивании лица”, яъни “юзнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши” дея қайд этилган. Ўзбекистон билан Россия Федерациясининг айнан мазкур масалага доир қонунчилигини таққослайдиган бўлсак, уларда фақат “юз” сўзи қўлланилиб, “тана” сўзидан фойдаланмаганлигини кўриш мумкин.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сонли қарори. -Т.2007.-Б 7 <https://lex.uz/docs/1592419>

<sup>17</sup> “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари”нинг ўртасида номуносивлик мавжуд. Яъни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 01 июн 153-сонли “Суд-тиббий экспертиза бюросининг узилмаларида экспертиза ва текширувларни ўтказиш қоидалари” буйруғи. Б.-60

<sup>18</sup> А.Мадвалиев таҳрири остида ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент -2008 Б.-133

<sup>19</sup> А.Мадвалиев таҳрири остида ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент -2008 Б.-658

<sup>20</sup> А.Мадвалиев таҳрири остида ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент -2008 Б.-132



Шунингдек, айнан мазкур масала бугунги кунда Россия Федерацияси жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида турли хил мазмундаги баҳсларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Эътиборлиси шундаки, олимларнинг аксарият қисми ўзларининг ишларида Россия Федерацияси ЖК 111-моддаси биринчи қисмига “бадан, тана” сўзларини киритиш заруратини асослантирмоқдалар<sup>21</sup>.

Хусусан, О.С. Викторов жабрланувчининг бошқа тана қисмлари, айниқса бўйинни тузалмас даражадаги хунуклашуви ҳам, юзникидан кам бўлмаган доимий қайғуришига олиб келишига ишонч билдиради<sup>22</sup>. Ўз навбатида Е.В.Безручко, О.С.Викторовнинг фикрини тўлиқ эмас деб ҳисоблаб, қасддан баданга оғир шикаст етказишни ифодалашда нафақат инсонинг юзи ёки бўйинининг тузалмас даражадаги хунуклашуви, балки ҳар қандай тана қисмининг тузалмас даражадаги хунуклашуви тушунчасидан фойдаланишни таклиф қилади<sup>23</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, атрофлича ўйлаб кўрилса, танаси термик куйган жабрланувчи, юзи тузалмайдиган даражада хунуклашган инсондан камроқ маънавий азоб чекади деб бўлмайди. Бундай ҳолатда, шахс ўзининг хунуклашган қўллари, оёқлари ёки бўйинини бекитмасдан одамлар олдига чиқа олмайди. Бундай тоифадаги одамлар пляж, бассейн ва бу каби жамоат жойларига барча қатори ечинган ҳолатда келиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу эса, юқорида қайд этганимиздек, унинг юзининг тузалмас даражадаги хунуклашувидагидан кам бўлмаган ҳолда руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида санаб ўтилган омиллар асосида ЖК 104-моддасининг биринчи қисмидаги “баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши” жумласини “бадан ва юзнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши”га ўзгартиришни таклиф этамиз. Қолаверса, ўтказилган таҳлиллар амалдаги жиноят қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизия ҳолатларни бартараф этиш зарурлигини кўрсатди.

Учинчидан, Жиноят кодексининг соғлиққа қарши жиноятларининг рус ва ўзбек тилидаги нормаларини қиёсий таҳлили, уларнинг номланиши ва мазмунида қатор номутоносибликлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Хусусан, амалдаги ЖКнинг 104-моддаси рус тилидаги таҳрирда “умышленное тяжкое телесное повреждение” деб номланган бўлса, мазкур норма ўзбек тилида “қасддан баданга оғир шикаст етказиш” деб қайд этилган. Маълум бўладики, ЖКнинг 104-моддасининг рус ва ўзбек тилларидаги номланишида тафовут бор. Агар биз “умышленное тяжкое телесное повреждение” гапни рус тилидан ўзбек тилига тўғри таржима қиладиган бўлсак, “қасддан оғир тан жарохати” деган маъно келиб чиқади. Аксинча, ўзбек тилидаги “қасддан баданга оғир шикаст етказиш” гапни рус тилига таржима қиладиган бўлсак

<sup>21</sup> *Ордан А. В., Курдяшкин С. Н.* Экспертно-криминалистической службе МВД России 95 лет // Актуальные проблемы права России и СНГ 2015 : материалы XVII междунар. науч.-практ. конф. Челябинск, 2015. С. 347.

<sup>22</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-stanovleniya-i-pravovaya-reglamentatsiya-kriteriev-predeleniya-stepeni-tyazhesti-vreda-prichinennogo-zdorovyu/viewer>

<sup>23</sup> *Безручко Е.В.* Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью человека. дис... канд. юрид.наук. <https://www.dissercat.com/content/ugolovnaya-otvetstvennost-za-prichinenie-vreda-zdorovyu-cheloveka>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.10.2023 й)



“умышленное причинение тяжкое телесное повреждение” деган маънони беради. Бу эса, қонун чиқарувчи ЖК 104-моддасининг ўзбек тилидаги номланишида “етказиш” иборасини қўллаб, мазкур нормани мазмунан тўғри ифодалаганлигини кўрсатади. Чунки, ЖК 104-моддаси билан боғлиқ ҳолатни жиноят сифатида эътироф этиш учун, қилмиш бошқа шахс томонидан етказилган бўлиши шарт. Айнан мазкур омил, амалдаги ЖК 104-моддасини рус тилидаги таҳририда “умышленное тяжкое телесное повреждение” деб номланиб, унда “нанесения” сўзини ташлаб кетилганлиги, унинг мазмунига мутаносиб эмаслигини кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖКнинг мазкур нормасининг рус тилида номланишига “причинение” сўзини қўшиб, “умышленное причинение тяжкого телесного повреждения” деб номлашни таклиф этамиз.

Шунингдек, бу каби ҳолатларни амалдаги ЖКнинг 105-моддасини рус тилида “Умышленное средней тяжести телесное повреждение”, ўзбек тилида эса “Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш”, 109-моддасини рус тилида “Умышленное легкое телесное повреждение”, ўзбек тилида эса “Умышленное легкое телесное повреждение” деб номланишида ҳам кўришимиз мумкин. Бу эса, ЖК 105- ва 109-моддаларининг номланишига, 104-моддасининг номланишини ўзгартириш бўйича берган таклифимиз сингари, “причинение” сўзини қўшиб, “умышленное причинение средней тяжести телесного повреждения” ва “умышленное причинение легкого телесного повреждения” деб номлаш зарурлигини кўрсатади.

Эътиборли томони шундаки, қонун чиқарувчи жиноят қонунчилигининг соғлиққа қарши жиноятлар бўлимида қайд этган бошқа жиноятлар, хусусан 106-моддани “Причинение умышленного тяжкого или средней тяжести телесного повреждения в состоянии сильного душевного волнения”, 107-моддани “Причинение умышленного тяжкого телесного повреждения при превышении пределов необходимой обороны”, 108-моддани “Причинение умышленного тяжкого телесного повреждения при превышении необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние” ҳамда 111-моддани “Причинение по неосторожности средней тяжести или тяжкого телесного повреждения” деб номлаб, уларда “причинение” терминини акс эттирган. Назаримизда, мазкур йўл ҳар жиҳатдан асослидир.

*Тўртинчидан*, соғлиқ тушунчасига берилган таърифларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш мумкинки, соғлиқ тушунчаси инсоннинг тана аъзолари ва органларининг барчаси нормал фаолият юритишини ўз ичига қамраб олсада, амалиётда соғлиғи лозим даражада бўлмаган, маълум бир касалликка чалинган шахсларнинг соғлиғига ҳам шикаст етказилиши ҳоллари учрайди. Келтирилган аксарият таърифлар эса мазкур ҳолатни қамраб олмайди.

Ўз навбатида шуни қайд этиш лозимки, суд тиббиёти нуқтаи назаридан олиб қараганда “тан жароҳати” ва “касаллик” атамалари турли маъноларни англатади.

Тор маънода “касаллик” тушунчасига нормал ҳаётининг фаолиятнинг вақтинчалик ёки доимий бузилиши, яъни соғлиқнинг бузилиши сифатида таъриф бериш мумкин.



Касаллик (лат. morbus) – бу инсон организмга шикаст етказувчи омиллар, шунингдек, генетик нуқсонлар таъсири натижасида организмнинг нормал ҳаётий фаолияти бузилиши ҳисобланади<sup>24</sup>.

Бизнинг фикримизча, “ташқи шикаст етказувчи омилларнинг таъсири натижасида касаллик характери ва унинг кечиши хусусиятлари ички ва ташқи омиллар йиғиндиси билан белгиланади.

Бунда организмда умумий патологик жараёнлар ривожланишида ташқи омил таъсири тасодифий, касалликнинг ривожланишини бошлаб берувчи ҳолат ҳисобланади ва бунда ташқи омил ҳамда касаллик характери ва унинг кечиши ўртасида тўғридан-тўғри сабабий боғланиш мавжуд бўлмайди”<sup>25</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, амалиётда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари содир этилган ҳолатларда, асосан ҳаёт учун ҳавфли бўлган оғир, оғир ва аксарият ҳолларда ўртача оғирликдаги шикаст етказилганда, жиний қилмиш натижасида ҳуқуқий оқибатдан ташқари, тиббий оқибат вужудга келиб, жабрланган шахсларда етказилган тан жароҳати асорати сифатида турли касалликлар юзага келиши мумкин.

Мисол учун, А исмли шахс Б исмли шахсга оғир тан жароҳати етказиш мақсадига бошига тош билан қасддан бир неча бор уриши натижасида, Б исмли шахс шифохонанинг жонлантириш бўлимига ётқизилган. Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг тегишли хулосасида, унда калла асос суяқларининг синиши ва калла ичи қон қуйилиши аниқланганлиги, оғирлик даражаси “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир” шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган. Мазкур тан жароҳатлари натижасида Б. исмли шахснинг бош мия фаолиятида бузилиш кузатилиб, унда “эпилепсия” касаллиги вужудга келган.

Жиноят қонунчилигимизга кўра, Б. исмли шахсга қасддан етказилган тан жароҳати натижасида, унда муқаддам мавжуд бўлмаган касалликнинг юзага келиши Жиноят кодексининг 104-модда биринчи қисми диспозициясида кўрсатиб ўтилган “соғлиғининг бошқача тарзда бузилиши”га олиб келиши билан қамраб олинади ва бошқа моддалар билан жавобгарликка тортишга асос бўлмайди. Бу ҳолатни мантиқий тўғри деб баҳолашимиз мумкин. Чунки А исмли шахс Б. исмли шахсга тан жароҳати етказаётган вақтида, унда келгусида эпилепсия касаллиги юзага келиши мумкинлигини англаб етмаган. Бироқ, худди шу тафсилотда А. исмли шахс Б. исмли шахсни олдиндан эпилепсия ёки бошқа касаллиги борлигини билатуриб, унга қасддан ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказадиган бўлса, ушбу ҳолат ҳам Жиноят кодексининг 104-моддаси биринчи қисми ва 105-моддаси биринчи қисми диспозицияси билан қамраб олиниши мантиқий тўғри эмас. Чунки А. исмли шахс Б. исмли шахсга тан жароҳати етказаётган вақтида, у касал эканлигини, унга етказиши мумкин бўлган тан жароҳати бошқа соғлом одамларга нисбатан хавфлироқ бўлишини англаб турибди. Бунда касалликнинг қайси тури, соғлиққа путур етказиш даражаси ва

<sup>24</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

<sup>25</sup> Кухарьков Ю.В., Самойлович М.В. Судебно-медицинская экспертиза характера и степени тяжести телесных повреждений. Учебно-методическое пособие. <https://elibr.bsu.by/bitstream/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.10.2023 й)



хавфи инобатга олинмаслиги лозим. Ваҳоланки, инсонда қандай даражадаги касаллик бўлишидан қатъий назар, унга етказилган тан жароҳати соғлиқнинг янада ёмонлашишига сабаб бўлади. Қолаверса, шахснинг оғир хасталиги ҳуқуқий жиҳатдан шахснинг ожиз аҳволда эканлигини қамраб олаверади.

Шунингдек, сўнгги вақтларда ота-оналар ёки ўғай она томонидан вояга етмаган фарзандига ёхуд бошқа шахслар томонидан вояга етмаган шахсга турли даражаларда тан жароҳати етказиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Айниқса, ушбу ҳолатлар кенг жамоатчилик томонидан интернет ва бошқа ижтимоий тармоқларда кескин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Бироқ, амалдаги жиноят қонунчилигимизда Жиноят кодексининг 104-моддаси ва 105-моддасида ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан ва вояга етмаганларга нисбатан қасддан тан жароҳати етказилган ҳолатларни малакалашга оид алоҳида норма назарда тутилмаган.

Ушбу масалани янада аниқроқ ёритиш мақсадида хориж тажрибасини ўрганганимизда, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Молдова, Латвия ҳамда Литва каби давлатларнинг жиноят қонунчилигини тегишли нормаларида ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги ёки ожиз аҳволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган қасддан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ қилмишлар оғирлаштирувчи ҳолат сифатида акс эттирилганлиги ойдинлашди.

Шундан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 104-моддаси иккинчи қисмини “ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги ёки ожиз аҳволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан” деб номланган “м” банди ва 105-моддаси иккинчи қисмини худди шу мазмундаги “о” банди билан тўлдиришни таклиф этамиз.

*Бешинчидан*, Жиноят кодексининг 109-моддаси биринчи қисмида “ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деган жумла қўлланилган. Олий суд Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 24-бандига мувофиқ баданга қасддан енгил шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган ҳолдагина келиб чиқади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. МЖтКнинг 37-моддасида “Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади” дея қайд этилган. Эътибор берган бўлсангиз, қонун нормасида “жазони ўташ муддати тугаган кундан” деган жумла қўлланилган. Бу эса, қонун билан қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мазмунан бир-бирига мутаносиб эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам амалиётчилар ўртасида келтирилган масала юзасидан ягона тўхташ шаклланмаганлигини кўриш мумкин.

*Олтинчидан*, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилиш, хусусан бу турдаги қилмишларга тўғри ҳуқуқий баҳо беришга доир суд-тергов органлари фаолиятининг таҳлили, айрим ҳолатларда амалиёт ходимлари томонидан МЖтКнинг 52-моддаси (Енгил тан жароҳати етказиш) билан ЖКнинг 109-моддасини (Қасддан баданга енгил шикаст етказиш) фарқлаш ва улар бўйича қарорлар қабул



қилинишида қонун нормаларини турли хил қўллаш ҳолатлари аниқланган. Хусусан, суд-тергов амалиёти ходимларига ўртасида, “Агар ЖКнинг 109-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилган шахс олти ой ўтиб, МЖТКнинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этадиган бўлса, унинг қилмишига қандай ҳуқуқий баҳо берасиз?” мазмунидаги савол билан мурожаат қилинганида, жавоб берганларнинг 63 фоизи маъмурий, 37 фоизи эса жиноий, дея жавоб берган.

Бундан кўришиб турибдики, ҳозирги вақтда амалиётда хизмат олиб бораётган иш юритувидаги инсонлар тақдирини ҳал қилувчи жиноят ишини “бир уюм қоғоз” деб ўйлайдиган аксарият суриштирувчи ва терговчилар баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилиш давомида бу турдаги қилмишларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш қобилиятига эга эмас. Шундан келиб чиқиб, жойларда суриштирувчи ва терговчиларни белгиланган муайян муддатда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилиш хусусиятлари юзасидан ўқитиб бориш механизмини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

*Еттинчидан*, қасддан баданга етказилган шикастларнинг оғирлик даражасини аниқлашга доир жиноят қонунчилиги ҳамда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қиёсий таҳлил қилганимизда, улар ўртасида қатор номутоносибликлар мавжуд эканлиги аниқланди. Жумладан, Жиноят кодексининг 104-моддаси биринчи қисми диспозициясида қонун чиқарувчи “**ҳомиланинг тушиши**” деган иборадан фойдаланган. Лекин Соғлиқнинг сақлаш вазирлигининг “Экспертиза коидалари”ни тасдиқлаш ҳақидаги 153-сонли буйруғида, ҳомиланинг тушиши билан боғлиқ ибора “**ҳомиладорликнинг узилиши**” деб кўрсатилган.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, тиббиёт нуқтаи назаридан “ҳомиладорликнинг узилиши” ўзининг мазмунига кўра “ҳомиланинг тушиши”ни ҳам қамраб олади<sup>26</sup>. Яъни, “**ҳомиладорликнинг узилиши**” деганда биз муддатидан қатъий назар етказилган жароҳат билан боғлиқ ҳолатда ҳомиланинг тушиши, ҳомиланинг она қорнида ўлиши ёхуд эрта туғруқнинг вужудга келиши каби салбий ҳолатлар билан ҳомиладорлик кечилишининг тўхтатилишини тушунишимиз мумкин<sup>27</sup>.

Лекин эътиборли жиҳати шундаки, биз тадқиқ этаётган ибора амалдаги ЖК 104-моддасининг рус тилидаги таҳририда “**прерывание беременности**” деб қайд этилган. Тиббиётга доир ўзбек-рус тиллари бўйича луғатларда “ҳомила” – “плод” ва “ҳомиланинг тушиши” – “выкидыш” деб таржима қилинганлигини инобатга оладиган бўлсак, қонун чиқарувчи ЖКнинг рус тилидаги таҳририда “**прерывание беременности (ҳомиладорликнинг узилиши)**” деган иборани қўллаб, ўзбек тилида йўл қўйган ҳатосини такрорламаган.

Юқорида санаб ўтилган омилларни инобатга олиб, ЖК 104-моддасининг биринчи қисмидаги «ҳомиланинг тушиши» деган сўзлар «ҳомиладорликнинг узилиши» деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этамиз.

<sup>26</sup> «Суд-тиббий экспертиза бюросининг тузилмаларида экспертиза ва текширувларни ўтказиш коидалари» 2012 йил 01 июль 153-сонли буйруқ. Б.-58 <https://lex.uz/docs/1861798>

<sup>27</sup> Безручко Е.В. Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью человека. дис...канд. юрид.наук. – Ростов-н/Д., 2011. С. 66-67.



Хулоса қилиб шуни қайд этиш лозимки, тайёрланаётган қонун лойиҳаларининг ўзбек ва рус тилидаги таҳрирларини мазмунан бир хил бўлишига ҳамда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фақат қонун талаблари асосида ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур деб ўйлаймиз. Чунки, амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича исчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминланиши биринчи навбатда қонунларимизнинг ҳар тарафлама мукамал бўлишини тақозо этади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони// URL: <https://lex.uz/docs/3050491> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сон Фармони// URL: <https://lex.uz/docs/3432426> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6041-сон Фармони URL: <https://lex.uz/docs/4939467> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 май куни «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли қарори URL: <https://lex.uz/docs/3735818> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.10.2023).
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти 19.03.2022 йил маълумотномаси.
6. <https://upl.uz/obshestvo/20302-news.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 2023 йил 09 октябрь).
7. Бурданова В. С. Расследование умышленного причинения вреда здоровью: учеб. пособие / В. С. Бурданова, Л. Н. Никитин; С.-Петербург. юрид. ин-т Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – 3-е изд., испр. и доп. – <https://search.rsl.ru/ru/record/01000652125>(Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 25.07.2022).
8. Ершов В. А. Методика расследования преступлений против жизни и здоровья граждан, совершаемых членами неформальных групп (движений) / В. А. Ершов, Г. В. Костылева, М. М. Милованова. <https://www.dissercat.com/content/metodika->



rassledovaniya-prestuplenii-protiv zhizni-i-zdorovya-grazhdan-sovershaemykh-chlenam  
(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.03.2022 й)

9. Сахарова Е. Г. Расследование причинения вреда здоровью /<http://lawlibrary.ru/izdanie62440.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 25.07.2022).

10. Беспечный О. В. К вопросу о следственных ситуациях по делам о причинении тяжкого вреда здоровью <https://www.dissercat.com/content/teoreticheskie-i-prakticheskie-problemy-rassledovaniya-prestuplenii-svyazannykh-s-prichineni> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 25.07.2022).

11. Терещенко Т. Г. Умышленное причинение тяжкого телесного повреждения: уголовно-правовая и криминологическая оценка: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Минск, 2013. – 20 с.

12. Турсунбоев Ю. Фактик хато унинг жиноий жавобгарлик ва жиноятнинг квалификациясига таъсири // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Ҳуқуқий, илмий-амалий журнал. – 2007. – № 1. – Б. 15-18.

13. Федотов.И.С Заключение и показания специалиста: вопросы совершенствования законодательства и правоприменительной практики. <https://cyberleninka.ru/article/n/zaklyuchenie-i-pokazaniya-spetsialista-voprosy-sovershenstvovaniya-zakonodatelstva-i-pravoprimenitelnoy-praktiki> 2013г.  
(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.10.2023 й)

14. Наимов С.С. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида нормалар рақобати: назарий ва амалий муаммолар // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция матуриаллари. – Т.: ТДЮИ. 2006. – Б. 342-347.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сонли қарори. -Т.2007.-Б 7 <https://lex.uz/docs/1592419>

16. “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари”нинг ўртасида номутаносиблик мавжуд. Яъни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 01 июн 153-сонли “Суд-тиббий экспертиза бюросининг узилмаларида экспертиза ва текширувларни ўтказиш қоидалари” буйруғи. Б.-60

17. А.Мадвалиев таҳрири остида ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент -2008 Б.-133

18. А.Мадвалиев таҳрири остида ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент -2008 Б.-658

19. А.Мадвалиев таҳрири остида ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент -2008 Б.-132

20. Ордан А. В., Кирдяшкин С. Н. Экспертно-криминалистической службе МВД России 95 лет // Актуальные проблемы права России и СНГ 2015 : материалы XVII междунар. науч.-практ. конф. Челябинск, 2015. С. 347.